

## А Ж Р И М

2025 йил январь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Ж.Убайдуллаевнинг раислигида, Т.Худайбергановнинг котиблигида, С.Зайниддиновнинг таржимонлигида, тарафлардан - Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Абдуллаев, гумон қилинувчи XXXXXXXXXXXXX, жабрланувчи XXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан XXXXXXXXXXXXXга оид 1-1009-2504/5-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX)  
[REDACTED] йилда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] яшовчи,

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг жиноят ишини тарафлар ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўраб берган аризаларини ҳамда жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқланишича, XXXXXXXXXXXXX 2024 йил 11 ноябрь куни соат 05:30 ларда бошқарувидаги [REDACTED] русумли давлат рақами [REDACTED] бўлган автомашинасини, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Махтумкули-КХАЙ кўчалари чоррахасида амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди 1-қисми, 11-банди «г» қисми, 77-банди 1-3-қисми, 99-банди яъни, «йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак», «ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса болалар, ногиронлар, қариялар ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши», «ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак», «светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарама-



қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт, трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидаларга амал қилишлари керак», деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, чоррахага светофор яшил чироғига йўл-катнов қисми бўйлаб ҳаракатлани келаётган ҳайдовчи XXXXXXXXXXXX бошқарувидаги “ЛАДА-Приора” русумли давлат рақами 01J098MA бўлган автомашинаси билан тўқнашув содир қилган.

Мазкур йўл транспорт ходисаси натижасида [REDACTED] русумли давлат рақами [REDACTED] бўлган автомашина йўловчиси XXXXXXXXXXXX турли тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 5 декабрь кунидаги №8745-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, йўл-транспорт ходисаси натижасида XXXXXXXXXXXX танасида “чап ўмров суяги акромиал охиридан ёпиқ синиб силжиши”, каби тан жароҳатлари олганлиги, оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир тан жароҳатлари етказилган.

Дастлабки тергов давомида гумон қилинувчи XXXXXXXXXXXX, жабрланувчи XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи XXXXXXXXXXXXга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи XXXXXXXXXXXX судда ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаганлигини, жабрланувчи XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда у билан ярашиб олишганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXлар ҳам судда ярашув тўғрисидаги аризаларини қувватлаб, XXXXXXXXXXXXга нисбатан даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ярашув ҳақидаги аризани ўз хохишлари билан ёзишганлиги, уларга нисбатан бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунишганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи XXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXX ва гумон қилинувчи XXXXXXXXXXXXнинг аризаларини жиноят иши билан бирга ўрганиб, Яшнобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон



қилинувчи XXXXXXXXXXXX айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлик қоплаганлиги, ярашув ихтиёрий бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, XXXXXXXXXXXXга нисбатан юритилган жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи XXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 6-қисмига асосан суд ярашувни тасдиқласа, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиради.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

**XXXXXXXXXXXX** (XXXXXXXXXXXX)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчилар XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 6-қисми талабларига кўра, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

(имзо)

**Ж.Убайдуллаев**

*Аслига тўғри:*

